

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАХБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

МЕТАЛЛУРГИЯ

йўналиши

**“ИККИЛАМЧИ ТЕХНОГЕН
ЧИҚИНДИЛАРНИ ҚАЙТА
ИШЛАШНИНГ ТЕХНОЛОГИК
ЖАРАЁНЛАРИ ВА АТРОФ МУҲИТ
ҲИМОЯСИ”**

модули бўйича

Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А

Тошкент – 2019

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАХБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“ИККИЛАМЧИ ТЕХНОГЕН ЧИҚИНДИЛАРНИ ҚАЙТА
ИШЛАШНИНГ ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНЛАРИ ВА АТРОФ МУҲИТ
ҲИМОЯСИ” модули бўйича**

Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А

Тузувчилар: С.Т. Маткаримов, Х.Р. Валиев

Тошкент -2019

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 2 ноябрдаги 1023-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчилар: ТДТУ «Металлургия» кафедраси кат. ўқ. С.Т. Маткаримов
ТДТУ «Металлургия» кафедраси мудир, т.ф.н. Х.Р. Валиев

Такризчи: ТДТУ, т.ф.д., доцент А. У. Самадов

Ўқув -услубий мажмуа Тошкент давлат техника университети Кенгашининг 2019 йил 24 сентябрдаги 1-сонли қарори билан фойдаланишга тавсия қилинган.

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР.....	5
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	11
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	17
IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	29
V. КЕЙСЛАР БАНКИ.....	55
VI. ГЛОССАРИЙ.....	57
VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	66

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2909-сонли Қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Ушбу дастурда металлургияда иккиламчи техноген чиқиндиларни қайта ишлашнинг технологик жараёнлари, иккиламчи металлларни қайта ишлаш жараёнлари, уларнинг усуллари ва технолгияларининг ҳозирги кундаги муаммоларини ёритишга қаратилган назарий ва амалий маълумотлар баён этилган.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Модулнинг мақсад ва вазифаси -металлургик қайта ишлашда ҳосил бўлган техноген чиқиндиларни ҳосил бўлиш манбалари ва уларни қайта ишлашнинг замонавий технолгияларининг назарий асосларини ўрганиш ҳамда замонавий талабларга мос ҳолда иккиламчи техноген чиқиндиларни қайта ишлашни сифатини таъминлашга қаратилган технологик жараёнларни танлаш, таҳлил қилиш, самарадорлигини аниқлашга ҳамда атроф муҳит ҳимоясига оид амалий кўникма ва малакаларни

такомиллаштиришга қаратилганлиги билан аҳамиятли.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Иккиламчи техноген чиқиндиларни қайта ишлашнинг технологик жараёнлари ва атроф муҳит ҳимояси” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- металлургик қайта ишлашда ҳосил бўлган техноген чиқиндиларни қайта ишлашнинг замонавий аҳволи ва истиқболлари;
- металлургик ишлаб чиқариш корхоналарида техноген чиқиндиларни ҳосил бўлиш манбалари;
- металл сақловчи ва металлургик ишлаб чиқариш чиқиндиларини қайта ишлашнинг йўналишлари;
- рангли металлларнинг чиқинди ва иккиламчи хомашёсини қайта ишлаш технологиялари;
- металлургия саноатида атроф муҳит ҳимояси ҳақида *билимларни* эгаллаши;

Тингловчи:

- сульфидли мис бойитмаларини яллиғ эритиш жараёнини технологик ҳисоблаш;
- мис штейнларини конвертерлаш жараёнларини амалга ошириш;
- хомаки мисларни оловли тозалаш технологиясидан фойдаланиш;
- рух бойитмасининг минералогик таркибини аниқлашга оид жараённи босқичма-босқич амалга ошириш;
- рангли металлларни сақловчи хом ашёларни қайта ишлашнинг технологик схемаларини тузиш;
- гидрOMETALLURGIK заводларнинг суёқ чиқиндиларини зарарсизлантиришнинг замонавий аҳволи ва истиқболлари *кўникма* ва *малакаларни* эгаллаши;

Тингловчи:

- металл сақловчи хом ашё таркибидаги барча қимматабаҳо моддаларни ажратиб олишга қаратилган технологик жараёнларни танлаш;
- техноген чиқиндиларни қайта ишлаш жараёнларининг самарадорлигини аниқлаш;
- турли технологик жараёнларни қўллаб техноген чиқиндиларни қайта ишлаш ва чиқиндисиз технологияларни яратишда атроф-муҳитни ҳимоя қилувчи технологияларни ишлаб чиқиш **компетенцияларига** эга бўлиши зарур.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Иккиламчи техноген чиқиндиларни қайта ишлашнинг технологик жараёнлари ва атроф муҳит ҳимояси” модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Модулни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, “Хулосалаш”, “Т-жадвали”, “Кейс-стади” ва бошқа интерактив таълим усуллари қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Иккиламчи техноген чиқиндиларни қайта ишлашнинг технологик жараёнлари ва атроф муҳит ҳимояси” модули мазмуни ўқув режадаги “Қора металлургияда истиқболли йўналишлар” ва “Рангли металлургияда истиқболли йўналишлар” ўқув модуллари билан узвий боғланган.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар иккиламчи техноген чиқиндиларни қайта ишлашнинг технологик жараёнларини амалда қўллаш

ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юклараси, соат			
		Жами	Назарий	Амалий машғулот	Кўчма машғулот
1.	Металл сақловчи ва металлургик ишлаб чиқариш чиқиндиларини қайта ишлашнинг йўналишлари	6	2		4
2.	Рангли металлларнинг чиқинди ва иккиламчи хомашёсини қайта ишлаш технологиялари	2	2		
3.	Сульфидли мис бойитмаларини яллиғ эритиш жараёнини технологик ҳисоблаш	2		2	
4.	Мис штейнларини конвертерлаш	2		2	
5.	Хомаки мисларни оловли тозалаш	2		2	
	Жами:	14	4	6	4

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАРМАЗМУНИ

1-маву: Металл сақловчи ва металлургик ишлаб чиқариш чиқиндиларини қайта ишлашнинг йўналишлари

Иккиламчи металл сақловчи хомашёларни қайта ишлашнинг самарадорлиги. Комплекс металл сақловчи хомашёларни интеграллашган қайта ишлаш схемалари. Мис-қўрғошинли иккиламчи хомашёни интеграллашган технологик жараёни. “Umicore” мис ва қўрғошинни гидрOMETталургик ва пирометталургик жараёнларни қўллаб қайта ишлаш технологияси. Алюминийни Байер усулида ишлаб чиқариш.

2- мавзу: Рангли металлларнинг чиқинди ва иккиламчи хомашёсини қайта ишлаш технологиялари

Рангли металлларга ишлов бериш жараёнлари. Чиқиндиларни қайта ишлаш. Ярозит жараёни. Гидролизлаш реакциялари. Гетит жараёни. Волфрам ва молибден металлургиясининг замонавий аҳволи ва

ривожланиш истиқболлари.Молибден олиш жараёнининг технологик схемаси.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ

1-амалий машғулот: Сульфидли мис бойитмаларини яллиғ эритиш жараёнини технологик ҳисоблаш.

Штейн таркиби ва десулфуризация даражасини ҳисоблаш. Кимёвий таркибини ҳисоблаш. Таркиби маълум бўлган шлакни эритишда керакли флюс миқдорини ҳисоблаш. Яллиғ қайтарувчи эритишда ёқилғи сарфи ва чиқувчи газлар таркибини ҳисоблаш. Материал баланс ҳисоблаш. Чиқувчи газлар таркиби ва миқдорини ҳисоблаш. Ёқилғини танлаш ва ҳисоблаш. Табиий газ сарфи ва шихтани яллиғ эритиш жараёнининг иссиқлик баланси.

2-амалий машғулот: Мис штейнларини конвертерлаш.

Штейнни конвертерда пуфлаш. Конвертерлаш жараёни I-босқичи газларининг ҳажмини ва таркибини ҳисоблаш. Конвертерлаш жараёни биринчи босқич материал балансини ҳисоблаш. Конвертерлашнинг I-босқичининг иссиқлик баланси. II-босқичнинг иссиқлик баланси.

3-амалий машғулот: Хомаки мисларни оловли тозалаш.

Материал баланси ҳисоблаш. Хомаки мисни оловли тозалашнинг иссиқлик балансини ҳисоблаш. Мазут ёнишини ҳисоблаш. Мазутнинг ёнишидан чиқадиган газлар таркибини ҳисоблаш. Эритишнинг иссиқлик баланси. Иссиқлик сарфи. Иссиқлик келиши.

ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ШАКЛЛАРИ

Таълимни ташкил этиш шакллари аниқ ўқув материали мазмуни устида ишлаётганда ўқитувчини тингловчилар билан ўзаро ҳаракатини тартиблаштиришни, йўлга қўйишни, тизимга келтиришни назарда тутати.

Модулни ўқитиш жараёнида қуйидаги таълимнинг ташкил этиш шаклларидан фойдаланилади:

- маъруза;

- амалий машғулот;

- мустақил таълим.

Ўқув ишини ташкил этиш усулига кўра:

- жамоавий;

- гуруҳли (кичик гуруҳларда, жуфтликда);

- якка тартибда.

Жамоавий ишлаш – Бунда ўқитувчи гуруҳларнинг билиш фаолиятига раҳбарлик қилиб, ўқув мақсадига эришиш учун ўзи белгилайдиган дидактик ва тарбиявий вазифаларга эришиш учун хилма-хил методлардан фойдаланади.

Гуруҳларда ишлаш – бу ўқув топшириғини ҳамкорликда бажариш учун ташкил этилган, ўқув жараёнида кичик гуруҳларда ишлашда (2 тадан – 8 тагача иштирокчи) фаол роль ўйнайдиган иштирокчиларга қаратилган таълимни ташкил этиш шаклидир. Ўқитиш методига кўра гуруҳни кичик гуруҳларга, жуфтликларга ва гуруҳларора шаклга бўлиш мумкин. *Бир турдаги гуруҳли иш* ўқув гуруҳлари учун бир турдаги топшириқ бажаришни назарда тутаяди. *Табақалашган гуруҳли иш* гуруҳларда турли топшириқларни бажаришни назарда тутаяди.

Якка тартибдаги шаклда - ҳар бир таълим олувчига алоҳида-алоҳида мустақил вазифалар берилади, вазифанинг бажарилиши назорат қилинади.

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

“Хулосалаш” (Резюме, Веер) методи

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айти пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантикий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустақамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гуруҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни



ҳар бир гуруҳ ўзига берилган муаммони атрафлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қилади;



навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлар билан тўлдирилади ва мавзу

Мавзу қўлланилиши:

Металлургик печлар					
Ванюков печи		Аусмелт печи		Митсубиши печи	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги
Хулоса:					

“SWOT-таҳлил” методи.

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўллари топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.



Методнинг қўлланилиш: Иккиламчи техноген чиқиндиларни қайта ишлашнинг технологик жараёнларини SWOT таҳлилинини ушбу жадвалга туширинг.

S	Рух кеклари таркибида 25 % гача қимматбаҳо рух метали мавжуд.	
W	Рух кекларини қайта ишлаш жараёнларида рух металини тўлиқ ажратиб олмасилиги	
O	Рух кекларини қайта ишлаб ундан рух металини ажратиб олишда бошқа Au, Ag, Pt ва бошқа металларни ажратиб олиш имкони туғилади.	
T	Велцевлаш жараёнида кокс жуда кўп сарф бўлиши, иссиқликдан фойдаланиш жуда паст, рухни тўлиқ ажратиб олмаслик.	

“Т-чизма” методи

“Т-чизма” методи-мунозара вақтида қўшалок жавоблар (ха/йўқ, тарафдор) ёки таққослаш зид жавобларни ёзиш учун графикли метод ҳисобланади.

“Т-чизма” методи жадвали

+ (ха, ижобий)	- (йўқ, салбий)

“Т-чизма” методи-битта концепция (маълумот)нинг жиҳати ўзаро солиштириш ёки уларни (ха/йўқ, ҳа/қарши) аниқлаш учун ишлатилади. Таълим олувчиларда танқидий мушоҳада қилиш қобилиятларини ривожлантиради.

Ушбу метод қўйидагича амалга оширилади: “Т-чизма” методи қоидалари билан таништирилади. Якка тартибда расмийлаштирилади. Ажратилган вақт оралиғида тартибда (жуфтликда) тўлдиради, унинг чап томонига сабаблари ёзилади, ўнг томонига эса чап томонда ифода қарама– қарши ғоялар, омиллар ва шу кабилар ёзилади.

Жадваллар жуфтликда (кичик гуруҳларда) таққосланиши тўлдирилиши лозим.

Методнинг мавзуга қўлланилиши:

Тингловчиларни ихтиёрий равишда 2-га кичик гуруҳларга ажратиш ва вазифабериш:

1-гуруҳ вазифа: Бирламчи метал ажратиб олишнинг афзаллик ва камчиликларини аниқланг ва жадвални тўлдиринг.

2-гуруҳ вазифа: Иккиламчи метал олишнинг афзаллик ва камчиликларини аниқланг ва жадвални тўлдиринг.

Бирламчи метал ажратиб олиш	
Афзалликлари	Камчиликлари

2-гурух вазифа:

Бирламчи метал ажратиб олиш	
Афзалликлари	Камчиликлари

Ҳар бир кичик гуруҳларга вазифаларни бажариш учун вақт ажратилади.

Ажратилган вақтдан кейин тақдимот қилинади.

Ўқитувчи томонидан муҳокама қилинади ва гуруҳлар иши баҳоланилади.

«ФСМУ» методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қийёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзунини сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:
-

Ф	• фикрингизни баён этинг
С	• фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг
М	• кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг
У	• фикрингизни умумлаштиринг

- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Методнинг мавзуга қўлланилиши:

Фикр: “Иккиламчи металлларни қайта ишлаш дастлабки рудадан металлни ажратиб олишга нисбатан самарали”.

Топшириқ: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

“Кичик гуруҳларда ишлаш” методи

“Кичик гуруҳларда ишлаш” методи- таълим оловчи-ларни фаоллаштириш мақсадида уларни кичик гуруҳларга ажратган ҳолда ўқув материални ўрганиш ёки берилган топшириқни бажаришга қаратилган дарсдаги ижодий иш. Ушбу метод қўлланилганда таълим оловчи кичик гуруҳларда ишлаб, дарсда фаол иштирок этиш ҳуқуқига, бошловчи ролида бўлишга, бир-биридан ўрганишга ва турли нуктаи- назарларни қадрлаш имконига эга бўлади.

“Кичик гуруҳларда ишлаш” методи қўлланилганда таълим берувчи бошқа интерфаол методларга қараганда вақтни тежаш имкониятига эга бўлади. Чунки таълим берувчи бир вақтнинг ўзида барча таълим оловчиларни мавзуга жалб эта олади ва баҳолай олади. Қуйида “Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг тузилмаси келтирилган.

“Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Фаолият йўналиши аниқланади. Мавзу бўйича бир-бирига боғлиқ бўлган масалалар белгиланади.
2. Кичик гуруҳлар белгиланади. Таълим оловчилар гуруҳларга 3-6 кишидан бўлинишлари мумкин.
3. Кичик гуруҳлар топшириқни бажаришга киришадилар.
4. Таълим берувчи томонидан аниқ кўрсатмалар берилади ва йўналтириб турилади.
5. Кичик гуруҳлар тақдимот қиладилар.
6. Бажарилган топшириқлар муҳокама ва таҳлил қилинади.
7. Кичик гуруҳлар баҳоланади.

Методнинг мавзуга қўлланилиши:

Талабаларни 4-та кичик гуруҳларга ажратиш ва вазифабериш.

Вазифа: Иккиламчи алюминий ломларини қайта ишлаш технологиясини тузинг. Ҳар бир кичик гуруҳларга вазифаларни бажариш учун ватман, рангли маркерлар берилади ва берилган вақтдан кейин тақдимот қилиш айтилади.

«Кластер»методи

КЛАСТЕР
(Кластер-тутам, боғлам)-
ахборот харитасини тузиш
йўли- барча тузилманинг
моҳиятини марказлаштириш
ва аниқлаш учун қандайдир
бирор асосий омил атрофида
ғояларни йиғиш.
Билимларни
фаоллаштиришни
тезлаштиради, фикрлаш
жараёнига мавзу бўйича янги
ўзаро боғланишли
тасавурларни эркин ва очик
жалб қилишга ёрдам беради.

Кластерни тузиш қоидаси билан танишадилар.
Ёзув тахтаси ёки катта қоғоз варағининг
ўртасига асосий сўз ёки 1-2 сўздан иборат
бўлган мавзу номи ёзилади


Бирикма бўйича асосий сўз билан унинг ёнида
мавзу билан боғлиқ сўз ва таклифлар кичик
доирачалар “йўлдошлар” ёзиб қўшилади. Уларни
“асосий” сўз билан чизиқлар ёрдамида
бирлаштирилади. Бу “йўлдошларда” “кичик
йўлдошлар” бўлиши мумкин. Ёзув ажратилган
вақт давомида ёки ғоялар тугагунча давом
этиши мумкин.

Муҳокама учун кластерлар билан
алмашинадилар.

Кластер тузиш қоидаси

1. Ақлингизга нима келса, барчасини ёзинг. Ғоялари сифатини муҳокама қилманг фақат уларни ёзинг.
2. Хатни тўхтатадиган имло хатоларига ва бошқа омилларга эътибор берманг.
3. Ажратилган вақт тугагунча ёзишни тўхтатманг. Агарда ақлингизда ғоялар келиши бирдан тўхтаса, у ҳолда қачонки янги ғоялар келмагунча қоғозга расм чизиб турунг.

Топширик: РУХникластер кўринишида ишлаб чиқиш.



III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-мавзу: **Металл сақловчи ва металлургик ишлаб чиқариш чиқиндиларини қайта ишлашнинг йўналишлари**

Режа

1. Иккиламчи хомашёларни қайта ишлашнинг технологик жараёнлари
2. Иккиламчи алюминий ишлаб чиқаришнинг замонавий аҳволи ва ривожланиш истиқболлари


Таянч сўз ва иборалар: Лом, иккиламчи металл, гидрометаллургия, рафинирлаш, Байер усули, Боксит, натрий гидрооксид, пирометаллургия, технологик схема, электролитик жараён.

1.1 Иккиламчи хомашёларни қайта ишлашнинг технологик жараёнлари.


Иккиламчи металл сақловчи хом ашёларни қайта ишлашнинг самарадорлиги иқтисодий, термодинамик ва технологик билимлар асосида аниқланади. Иккиламчи металл сақловчи хом ашёларга металл заводларнинг чиқиндиларидан ташқари турли меалл сақловчи маиший чиқиндилар киради. **Металларни бирламчи рудалардан ишлаб чиқаришда мақсадли металл ва йўлдош металллар орасидаги фарқ аниқ бўлади. Иккиламчи металл сақловчи хом ашё эса таркиби бўйича жуда мураккабдир. Шу сабабдан, бирламчи руда хом ашёсидан металларни ажратиб олиш учун қўлланиладиган технологик жараёнлар, иккиламчи, таркиби мураккаб бўлган хом ашёдан металларни ажратиб олиш учун мослаштирилиши лозим¹.**

Иккиламчи таркибли мураккаб бўлган комплекс металл сақловчи хом ашёдан аниқ металлни ажратиб олиш металлургик жараёнларни чуқур билишни талаб этади. Бу билимларга металлургик жараёнларнинг термодинамикаси киради. Мураккаб таркибли иккиламчи металл сақловчи хом ашёдан қимматбаҳо металларни алоҳида ажартиб олиш технологиясига электрон чиқинди ва ломдан мис-қўрғошин қотишмасини қайта ишлаш мисол бўлиши мумкин. Мис-қўрғошинли қотишмаларни интеграллашган қайта ишлаш технологияси (1.1 ва 1.2 расмларда кўрастилган.) Мис – қўрғошинли хомашёни эритишда ҳосил бўлган эритма лом таркибидаги бошқа металларни ҳам ажратиб олишга қўмаклашади. Масалан эриш натижасида ҳосил бўлган оқ мат ёки эриган қўрғошин ўзнинг таркибида нодир металларни эритади. Сўнгра металлар бир биридан турли усулларда ажартиб олинади, масалн, оловли рафинирлаш, электролитик рафинирлаш (1.3 расм).


¹TREATISE ON PROCESS METALLURGY Industrial Processes Editor-in-Chief
SESHADRI SEETHARAMAN Copyright © 2014 Elsevier Ltd. All rights reserved. p.
891



1.1-Расм. Мис-қўрғошинли иккиламчи хомашёни интеграллашган технологик жараёни



1.2-Расм. “Umicore” мис ва қўрғошинни гидрометаллургик ва пирометаллургик жараёнларни қўллаб қайта ишлаш технологияси.



1.3-Расм. Металлик мис ва бошқа металл сақловчи иккиламчи хом ашёларни қайта ишлаш технологияси - Kayser Recycling System

1.2 Иккиламчи алюминий ишлаб чиқаришнинг замонавий аҳволи ва ривожланиш истиқболлари.

Алюминий энг кенг қўлланиладиган металллардан биридир. Коррозияга бардошлиги, механик мумстахкамлиги туфайли алюминий қотишмалари самолётсозликда соҳасида, қурилиш соҳасида озик овқат саноатида кенг қўлланиб келинмоқда. Алюминий барча материаллар ичида энг кенг айланма металл ҳисобланади. Иккиламчи алюминийни ишлаб чиқариш бошқа материалларга караганда тўрт баробар самарадорлидир. Иккиламчи алюминий ишлаб чиқаришга сарф бўладиган энергия бирламчи алюминий ишлаб чиқаришга сарф бўладигоан энергиянинг фақат 5% ни ташкил этади. Масалан 1 кг иккиламчи алюминий ишлаб чиқариш учун 2,8 кВт · соат энергия сарфланади, бирламчи алюминий учун эса 13 кВт · соатни ташкил этади.

Алюминийни Байер усулида ишлаб чиқариш. Алюминийни ишлаб чиқарилиши иккита усулда амалга оширилади: алюминий оксидини олиш учун боксит рудаларини Байер усулида қайта ишлаш ва криолитда эриган алюминийдан тоза металлик алюминий олишнинг Холл-Херолнинг электролитик жараёни.

Байер жараёни алюминий рудаларини қайта ишлашнинг гидрометаллургик усулидир. Бу усулнинг асосида тоза алюминийни электролиз усулида олиш учун бокситда алюминий оксидини (Al_2O_3) ишлаб чиқариш ётади.

Байер усулининг асосида, боксит таркибидаги алюминийни натрий гидроксид эритмаси билан босим остида, автоклавларда танлаб эритиш ва натрий алюминат ҳосил қилиш ётади. Ҳосил бўлган алюминий гидроксиди ишқорий эритмадан чўктирилади ва чўкмаларни ҳосил қилиш учун марказ бўлиб қолади. Чўктирилган алюминий гидроксиди филтрланади, ва каустик сода билан аралштирилиб куйдирилади. Бунинг натижасида тоза алюминий оксиди ҳосил бўлади. Ишқорий эритмалар эса файтадан танлаб эритиш жараёнига қайтарилади. Байер усули 1887 йилда кашф этилганлигига қарамадан хозрги кунгаач ўзгаришсиз ва дунёда 2011 йилда бу усул бўйича 80 миллиондан ортиқ алюминий ишлаб чиқарилган².

Турли бокситларни Байер жараёнига таъсири. Асосан Байер жараёни асосан глинозём ва кремнезём нисбати (A/S) 9 юқори бўлган боксит рудалар учун қўлланилади. Хитой ва Россияда Байер усули A/S нисбати 7 дан кам бўлган диаспор боксит рудалар учун қўлланилади. Бунда боксит рудалар натрий карбонати ва оҳак билан кўмачланиб натрий алюминатини ва кальций силикати ҳосил қилади. Кўмачлаш натижасида ҳосил бўлган агломерат таркибидаги эрувчан натрий алюминати сув ва натрий гидроксиди эритмаси билан танлаб эритилади. Ҳосил бўлган эритма филтрланади, алюминий гидроксидини чўкишини жадаллаштириш мақсадида эритма углерод икки оксиди газини билан пуфланади (карбонизация жараёни). Гидроксид алюминий чўктирилган эритма, қайтадан натрий алюминатини танлаб эритишга юборилади.

Таркибида алюминий гидроксидининг миқдори 35% дан юқори бўлган рудалар боксит рудалар деб номланади. Боксит рудалар глинозём ишлаб чиқариш учун асосий хом ашё ҳисобланади. Бокситлар таркибидаги гидратланган сувнинг миқдорига қараб унга гуруҳга бўлинади: гиббсит, бёхмитит, ва диаспор. Бокситнинг ҳар бир кўриниши турли кристаллик тузилишга эга. Масалан бёхмитит ва диаспорларнинг кристаллик тузилиши уларнинг таркибидан тўлиқ сув молекулаларини йўқотиш учун юқори ҳарорат ва босимни талаб этади. Гиббсит рудаларни куйидаги давлатларда кенг тарқалган Австралия, Бразилия, Гвинея, Гайана, Хиндистон, Ямайка, Суринаме ва Венесуэла.

Боксит рудалар Камбодже, Саудия Арабистон ва Вьетнам давлатларида ҳам аниқланган. Россия ва Хитойда 99% боксит рудалари бёхмитит ва диаспор кўринишдадир. Бу турдаги рудалар қийн қайта ишлаш шароитлари билан фарқланиб туради. Масалан гиббситни қайта ишлаш учун сарф бўладиган энергиянинг миқдори 7,5-12 ГДж/т, бёхмитит ва диаспорни қайта ишлаш учун эса 11-18 ГДж/т ташкил этади.

²TREATISE ON PROCESS METALLURGY Industrial Processes Editor-in-Chief
SESHADRI SEETHARAMAN Copyright © 2014 Elsevier Ltd. All rights reserved. p.
905

Назорат саволлари:

8. Мис-қўрғошинли иккиламчи хомашёни интеграллашган технологик жараёни тушунтириб беринг.
9. “Umicore” мис ва қўрғошинни гидрометаллургик ва пирометаллургик жараёнларни қўллаб қайта ишлаш технологиясини тушунтириб беринг.
10. Металлик мис сақловчи иккиламчи хом ашёларни қайта ишлаш технологиясини афзалликларини ёритиб беринг.

Фойдаланган адабиётлар:

1. Treatise on process metallurgy Industrial Processes Copyright © 2014 Elsevier Ltd. All rights reserved.
2. Charles Herman Fulton Principles of Metallurgy: An Introduction to the Metallurgy of the Metals Forgotten Books (July 19, 2012)
3. Chemical Metallurgy: Principles and Practice. Chiranjib Kumar Gupta Copyright © 2003 WILEY-VCH Verlag GmbH & Co. KGaA, Weinheim
4. Самадов А.У., Холикулов Д.Б. Иккиламчи металлургия асослари. –Т.: ФАН, 2011. – 288 б.
5. Санакулов К. Научно-технические основы переработки отходов горно-металлургического производства. –Т.: ФАН, 2009.-405 с.
6. К.С. Санакулов, А.С. Хасанов Переработка шлаков медного производства. –Т.: ФАН, 2007.-256 с.
7. «Ikkilamchi metallurgiya asoslari» fanidan maruzalar matni. Navoiy davlat konchilik instituti. D. B. Xolikulov, 2007. 130 b.

2-мавзу: Рангли металлларнинг чиқиндива иккиламчи хомашёсини қайта ишлаш технологиялари.

Режа

1. Рух ишлаб чиқариш чиқиндиси ҳисобланувчи рух кекларини қайта ишлаш
2. Волфрам ва молибден металлургиясининг замоновий ахволи ва ривожланиш истиқболлари

Таянч сўз ва иборалар: рух куйиндиси, ярозит жараён, рух кеклари, рух ферритлари, силикатлар, гидролизланиш, молибден олиш схемаси, гетит жараён.

2.1 Рух ишлаб чиқариш чиқиндиси ҳисобланувчи рух кекларини қайта ишлаш.

Рух куйиндисини танлаб эритишга мўлжалланган ҳарорат, кислотанинг концентрасияси рух ферритларини эритишга яроқсиздир. Бу рухнинг қолдиқ билан йўқолишига олиб келади, шу туфайли рухнинг умумий тикланиши фақатгина 85-93 % ни ташкил этади. Рухнинг ажратиб олиш даражасининг камлиги бу жараённинг жуда катта камчилиги бўлиб бу ҳолат бойитма таркибида қанча темир кўп бўлса шунча рухнинг йўқолиши кўп бўлади. Рух ферритларини эритиш учун сульфат кислотанинг кўчли эритмасида ва эритмани қайнашга яқин ҳароратда ушлаб туриш тавсияэтилади. Эритмадан темирни йўқотиш муҳумдир акс ҳолда рух эритмаси қайта танлаб эритишга юборилади. Эритмадан темирни йўқотиш осон вазифа ҳисобланмайди. темирни йўқотишнинг энг яхши усули темир гидрооксид кўринишида чўктиришдир. Буни амалга ошириш унчалик қийин ҳисобланмайди лекин кейинги қайта ишлашларда бир қатор камчиликлари мавжуд яъни филтрлаш ва ювиш жараёнларида қийинчилклар тўғдиради. Бугунги кунда бу муоммоларни йўқ қилишда кўплаб усуллар мавжуд яъни ярозит жараёни ва гетит жараёнларидир. Рух металлургияси олдинги муоммолардан амалий жиҳатдан ҳолидир. Кўпчилик мавжуд электролитик рух заводларида юқорида келтирилган жараёнларнинг биттаси ёки бир нечтаси қўлланилади. Рухни электролитик жараёнларда ажратиб олиш даражаси 95-97 % га кўтарилди.


Ярозит жараёнида эритма таркибидаги темирни, (III) валентли темир сульфат кўринишда (ярозит) ҳолида чўктиришдан иборат. Темирни ярозит ҳолда чўктириш учун рН1.5 га ҳарорат еса 95 °С бўлиши керак. Бу реакция қуйидагича оқиб ўтади:



Бу ерда М бир валентли катионни ифодалайди NH_4^+ ёки Na^+ . Саноатда энг кўп қўлланиладиган ва кенг тарқалган катионлар NH_4^+ ёки Na^+ ҳисобланади.

Гидролизлаш реакцияларида водород ионлари ҳосил бўлади. Бу кислотали муҳитни ошириб юборишига олиб келади шу мақсадда чўктириш даврида рН назорат қилиб турилади. Жараённинг соддалаштирилган

схемаси қуйидаги 2.1 расмда келтирилган.




2.1 расм. Интегрирлашган ярозит жараёнининг технологик схемаси

Ярозит жараёнинг бошқа жараёнларга нисбатан авзаллиги темирни ҳоссаларига асосланган ҳолда уни эритмалардан чўктиришдир.

Булардан биринчиси чўктирувчи реагентлар қўшишдир. Одатда ярозитни ҳосил қилиш учун аммиак қўшилади. Иккинчида ярозитда темирнинг миқдори кам (назарий жиҳатдан 35%) бўлса уни утилизация қилиш учун кўп сарф харажат талаб қилади³.

Бир вақтда рух ферритларининг эриши ва ярозитнинг чўкиши жараёнларининг умумий реакцияси қуйидаги кўринишда бўлади.




Жараёнда рух ферритлари ярозитга нисбатан сульфат кислотада

³TREATISE ON PROCESS METALLURGY Industrial Processes Editor-in-Chief
SESHADRI SEETHARAMAN Copyright © 2014 Elsevier Ltd. All rights reserved. p.
697


яхшиерийди. Буни инобатга олиб кислоталик даражасини бошқариш орқали дастлаб ярозитни чўкмага тушириб ундан кейинрух ферритлар еритилади. Юқорида келтирилган кимёвий реакциядан кўриш мумкинки сульфат кислота кўп миқдорда сарф бўлади.

Гетит жараёнида эритмадан темирни гидратирланган темир оксиди кўринишда (FeOOH) чўктиришдан иборат.


Бу жараён асосан икки валетли темирдан III валантли темирга оксидланишида иборат ва бу жараён ҳаво йордамида 90 оС да, рН 3.0 кўрсаткич даражасида ушлаб туриш орқали амалга оширилади. Реакциякуйдагичаоқибўтади.



Кекнитанлаб эритилган эритмадан темирнинг қисми (30 г/л) Fe³⁺ турида учрайди. Вақтдан олдин темир (III) гидролизини олдини олиш мақсадида темирни рух сулфиди билан тиклайди бу жараён 90 °С да амалга ошади.



Гетит жараёнини технологик схемаси 2 расмда келтирилган.




2.2 -расм. Гетит жараёнини технологик схемаси

2.2 Волфрам ва молибден металлургиясининг замоновий аҳволи ва ривожланиш истиқболлари.

Молибден табиатда элементар формада учрамайди. Уни асосан MoS_2 молибденит минералидан олинади унинг таркибида молибденнинг миқдори 59.9% ни ташкил этади. Бу молибденнинг ягона хомашёси ҳисобланади яъни дунёдаги молибден захирасининг асосини ташкил этади. Молибден олиш жараёнининг технологик схемаси 3 расмда келтирилган⁴.

Молибденнинг дунё бўйича захиралари қуйидаги регионлар шимолий ва жанубий Америка, Аляскада Анд тўғи Чили бўйлаб тарқалган. АҚШ даги молибден захиралари асосан Аляска, Колорадо, Айдахо, Невада, Нью Мексика Юта ҳудудларда тарқалган. Канада ва Колумбия молибден бўйича бой захираси мавжуд. Марказий жанубий Америка молибден захираларидаги молибден асосан мис порфирли конларда, Чили ҳудудида Чукуисамата ва Ел Тениенте энг йирик конлари ҳисобланади давлатдаги молибден захирасининг 85 %ни ташкил қилади.

Ер бағрида молибден ўртача улуши миллиондан 1 дан 2 қисми ташкил этади.



2.3 расм. Молибден олиш технологик схемаси

⁴TREATISE ON PROCESS METALLURGY Industrial Processes Editor-in-Chief SESHADRI SEETHARAMAN Copyright © 2014 Elsevier Ltd. All rights reserved. p. 707

Майдалаш.Қазиб олинган рудаларни шарли ёки стержнли тегирмонларда янчиб молибден минералларининг юзаси очилади. Янчилган руда катталиги микронларда ўлчанади тахминан (1-3 мм) ни ташкил этади.



(расмда АҚШ Кеннесотт УТАН мис корпорасияси янчиш бўлими кўрсатилган)

Флотация.Молибден рудаларини бойитишда асосий бойитиш усули бу флотациядир. Молибденит осон флотацияланадиган минералдир. Оддий молибден - кварцли рудаларини бойитиш қийин эмас. Руда таркибидан 90% минерални ажратиб беради. Бу жараёнда қуйидаги реагентлар ишлатилади: сосна ёғи, керосин, трансформатор ёғи. Сульфидли мис-молибден рудаларини бойитишда флотация қўлланилади. Аввал мис-молибден бойитмалари олинади. Кейин мис ва молибден бир-биридан ажратилади.



Молибден бойитмаларини ишлаб чиқариш.






Флотацион камераларнинг катта планда кўриниши



АҚШ Кеннесотт УТАН мис корпорасияси флотацион камералар умумий кўриниши

Куйдириш. Молибден бойитмалари MoS_2 ни ҳаво ёрдамида 500 дан 650 °С гача ҳароратда куйдириш натижасида MoO_3 олинади бу реакция куйидагича ифодалаш мумкин:



Куйдириш жараёни кўп тубли печларда амалга оширилади. Бунда молибден сақловчи бойитмалар юқоридан пастга томон ҳаракатланади, бунинг ҳаракатига қарама-қарши йўналишда печнинг пастидан пуркалаётган қизиган газ ҳаракатланади. Пастдаги расмда кўптубли печнинг битта туби кўрсатилган. Чиқувчи газлар таркибидан олтингугирт ангидридини ажратиб олиш ва скрубберларда сульфат кислота ишлаб чиқарилади.



Назорат саволлари:

1. Рух кекларини қайта ишлашда қўлланиладиган асосий усулни гапириб беринг.
2. Ярозит технологияси деганда нимани тушундингиз?
3. Гетит жараёни технологиясини тушунтириб беринг.
4. Молибден олиш технологиясини тушунтириб беринг.

Фойдаланган адабиётлар:

1. Treatise on process metallurgy Industrial Processes Copyright © 2014 Elsevier Ltd. All rights reserved.
2. Charles Herman Fulton Principles of Metallurgy: An Introduction to the Metallurgy of the Metals Forgotten Books (July 19, 2012)
3. Chemical Metallurgy: Principles and Practice. Chiranjib Kumar Gupta Copyright © 2003 WILEY-VCH Verlag GmbH & Co. KGaA, Weinheim
4. Самадов А.У., Холикулов Д.Б. Иккиламчи металлургия асослари. –Т.: ФАН, 2011. – 288 б.
6. К.С. Санакулов, А.С. Хасанов Переработка шлаков медного производства. –Т.: ФАН, 2007.-256 с.
7. «Ikkilamchi metallurgiya asoslari» fanidan maruzalar matni. Navoiy davlat konchilik instituti. D. B. Xolikulov, 2007. 130 b.

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-амалий машғулот:

Сульфидли мис бойитмаларини яллиғ эритиш жараёнини технологик ҳисоблаш.

Ишдан мақсад: Мис бойитмаларидан штейн олиш жараёнининг материал ва иссиқлик балансини ҳисоблаш.

Масаланинг қўйилиши: Мис бойитмаларини қайта ишлашнинг яллиғ қайтарувчи печлардаги усули бўйича тўлиқ назарий тушунтирилгандан кейин ҳар бир таълим олувчига алоҳида мис бойитмалари яъни аниқ бирон бир коннинг рудасига мос кимёвий таркиб берилади. Бундан ташқари ёқилғи сифатида бирига табиий газ, иккинчисига мазут ёқилғиси бериб ушбу амалий машғулотлар ҳисоб ишлари олиб борилади. Натижада материал баланс ва иссиқлик баланслари текширилади.

Мис бойитмаларини қайта ишлаб штейн олиш усуларидан яллиғ эритиш жараёни мис ишлаб чиқаришда етакчи уринларда туради. Буни қуйидагича изоҳласа бўлади яъни жараённинг оддийлиги ва иқтисодий самаралиги туфайли бу усул ишлаб чиқаришда кенг миқёсда қулланилмоқда. Яллиғ эритишнинг асосий камчилиги – десульфурзация жараёнини бошқаришнинг имкони йўқлиги ва ката хажмда чиқувчи газларнинг ажралиши.

Хозирги кунга келиб табиатни муҳофаза қилиш мақсадида ва атроф муҳитга чиқарилаётган турли чиқиндилар ва захарли газлар миқдорини купайишининг олдини олиш мақсадида, бутун жаҳон олимлари, яллиғ эритиш урнига бойитмаларни электрэритиш, муаллақ ҳолда эритиш ёки уларни конвертирларда эритиш масалалари ўрганилмоқда.

1.1 Штейн таркиби ва десульфурзация даражасини ҳисоблаш

Ишни бажариш учун намуна: Қуйидаги берилган таркиб бўйича бойитмани эритиш жараёнида ҳосил бўладиган шлак таркибини, миқдорини ва десульфурзация даражасини аниқлашимиз лозим: Cu - 20,0%, S - 34,3%, Fe - 29,2%, SiO₂ - 13,8%, Al₂O₃ - 1,0%, CaO - 0,7%, бошқалар - 1%. Ҳисоблашни куруқ 100 кг бойитма бўйича олиб борамиз.

Бажарилаётган ҳисоблашда фақатгина бойитманинг хусусиятлари ва бойитманинг рационал таркибини ҳисоблашдаги натижалари билган ҳолда олиб борамиз.

Бойитма таркибида мисс халькопирит ва ковелин минералларида 9:1 нисбатта учрайди. Темир пирит таркибида ва CaO-оҳак ҳолида учрайди.

Мис бойитмасининг рационал таркиби, %

Минераллар	Cu	S	Fe	Жами
CuFeS ₂	18	18,2	15,8	52,0
CuS	2,0	1,0	-	3,0
FeS ₂	-	15,1	13,4	28,5
SiO ₂	-	-	-	13,8
Al ₂ O ₃	-	-	-	1,0
CaCO ₃	-	-	-	1,25
Бошқалар	-	-	-	0,45
Жами	20,0	34,3	29,2	100,00

Десульфуризация -қаттиқ шихталар ва печга қуйиладиган суяқ конвертир шлакларидаги сульфидларни кислород билан диссоциаланиши оқибатида содир бўлади. Бизнинг шароитда қаттиқ шихта таркибида кислород иштирок этмайди. Сульфидларнинг оксидланиши фақатгина суяқ конвертир шлакидаги кислород эвазига содир бўлади.

Конвертер шлакларидаги сульфидларини кислородсиз оксидланишидаги десульфуризация даражасини ва штейн таркибини аниқлаш.. Бойитма таркибининг роционал таркибига асосан диссоциацияланиш оқибатида ажралган олтингугирт миқдорини аниқлаймиз. (кг):

Қуйидаги реакция буйича $2\text{CuFeS}_2 \rightarrow \text{Cu}_2\text{S} + 2\text{FeS} + \text{S}$ 25% S ажралиб чиқади, унинг миқдори

$$18,2 \cdot 0,25 = 4,5 ;$$

пиритнинг парчаланиши $\text{FeS}_2 \rightarrow \text{FeS} + \text{S}$ 50% S ажралиб чиқади, унинг миқдори

$$15,1 \cdot 0,5 = 7,6 ;$$

$2\text{CuS} \rightarrow \text{Cu}_2\text{S} + \text{S}$ реакция буйича 50% S ажралиб чиқади

$$1,0 \cdot 0,5 = 0,5.$$

Жами ажралган олтингугирт миқдори. $4,5 + 7,6 + 0,5 = 12,6$ кг.

Штейнга утган олтингугирт миқдори. $34,3 - 12,6 = 21,7$ кг, десульфуризация даражаси эса қуйидагига тенг:

$$12,6 : 34,3 = 36,7\%.$$

Хомашё бойитмалирини эритишда штейнга миснинг ўтиши амалиётдаги кўрсаткичлар буйича ҳисоблайдиган бўлсак у ҳолда бу қиймат 96-98% ни ташкил этади. Бойитмадан штейнга утган миснинг миқдори қуйидагича:

$$20 \cdot 0,98 = 19,6 \text{ кг.}$$

Штейнда шунча миқдордаги мис қуйидаги миқдордаги олтингугирт

билан бирикади:

$$19,6 \cdot 32 : 127,0 = 4,94 \text{ кг.}$$

Штейндаги қолган олтингугирт темир билан бирикади: $21,7 - 4,94 = 16,76 \text{ кг}$

$$16,76 \cdot 55,85 : 32 = 29,2 \text{ кг,}$$

Бундай холларда бойитмади барча темир миқдори штейн таркибига ўтади.

Ишлаб чиқариш заводларида штейн миқдоридаги олтингугирт миқдори 23 - 27% орасидаги қийматни ташкил этади. Хозирги ҳисоботимиз учун биз 25% деб оламиз (В. Я. Мостович қоидаси). Бунда штейннинг чиқиши қуйидгига тенг:

$$21,7 : 0,25 = 86,8 \text{ кг ,}$$

Штейн таркибидаги миснинг миқдори:

$$19,6 : 86,8 \cdot 100 = 22,6\%.$$

Б. П. Недвед маълумотлари буйича бойитма таркибидаги миснинг миқдори бизнинг мисолимиздагидек бўлса, унда 5.2% кислород конвертир шлакидан Fe_3O_4 шаклидаги темир билан бирикади.

Юқоридаги маълумотлар асосида биз қуйидаги дастлабки штейн таркибини аниқлаймиз:

	%	кг		%	кг
Cu.....	22,6	19,6	O ₂	5,2	4,5
S.....	25,0	21,7	Fe.....	47,2	41,0

Конвертир шлакидан штейн таркибига ўтган темир миқдори

$$41 - 29,2 = 11,8 \text{ кг.}$$

Конвертир шлакидаги магнетит билан бириккан кислород миқдорин аниқлаш учун конвертир шлакининг таркибини билиш лозим: Cu -3%, SiO₂ - 23%, Fe - 48%, Al₂O₃ - 6,1%, O₂ - 15,2%, S - 1,4%, бошқалар - 3,3%. Келадиган конвертир шлакининг миқдори:

$$41 : 0,48 = 85,4 \text{ кг.}$$

Конвертир шлакидаги магнетит миқдорини кислороднинг темирга нисбатлиги буйича аниқлаймиз.

$$\text{FeOда } \text{O}_2 : \text{Fe} = 16 : 55,85 = 0,286 \text{ кг;}$$

$$\text{Fe}_3\text{O}_4\text{да } \text{O}_2 : \text{Fe} = 64 : 167,55 = 0,382 \text{ кг;}$$

$$\text{Бизнинг шлакда } \text{O}_2 : \text{Fe} = 15,2 : 48 = 0,323 \text{ кг.}$$

Олинган қийматлардан қуйидаги тенгламани тузамиз.

$$15,2 = 0,268X + (48 - X) 0,382$$

бу ерда X —FeO курунишда боғланган темирнинг миқдори, $(48 - X)$ эса — Fe₃O₄ курунишда боғланган темирнинг миқдори.

Тенгламани ечган ҳолда $X = 32,8$ га тенглигини топамиз. Шунча миқдордаги темир билан боғланган кислород миқдори.

$$32,80 \cdot 16 : 55,85 = 9,40 \text{ кг.}$$

Fe₃O₄ даги темир миқдори

$$48 - 32,8 = 15,20 \text{ кг}$$

Ундаги кислород миқдори

$$15,20 \cdot 64 : 167,55 = 5,80 \text{ кг.}$$

Конвертир шлакидаги жами магнетит миқдори:

$$15,20 + 5,80 = 21,0 \text{ кг, ёки } 21,0\%.$$

Конвертир шлаки билан келадиган магнетит миқдори:

$$41,0 : 0,48 \cdot 0,21 = 17,90 \text{ кг.}$$

Амалий жиҳатдан у тўлиқлигича штейн таркибига ўтади. Камроқ миқдордаги олтингугирт печкларда орасидан кирувчи ҳаво билан оксидланади. Диссоциаланишни ҳам инобатга олган ҳолда газлар таркибига ўтган жами олтингугирт миқдори:

$$0,80 + 12,6 = 13,40 \text{ кг,}$$

Эритиш пайтида десульфуризация даражаси қуйдагича қийматни ташкил этади.

$$13,40 : 34,3 - 100 = 39,1\%,$$

шу жумладан 0,8 кг, ёки 2,5% га яқини сульфидларнинг, оксидланиши ҳисобига.

Яллиғ қайтарувчи печларда конвертир шлакларидан мисни ажратиб олиш даражаси 85% ни ташкил этади. Яни шунча мис конвертир шлакидан штейн таркибига утади. (бу қиймат амалий жиҳатдан исботланган):

$$85,4 \cdot 0,03 \cdot 0,85 = 2,2 \text{ кг.}$$

Олтингугирт мис билан штейн таркибида Cu₂S кўрунишда учрайди:

$$2,2 \cdot 32 : 127 = 0,55 \text{ кг.}$$

Конвертир шлакидан штейн таркибига ўтган олтингугирт:

$$34,3 - 12,6 - 0,80 + 0,55 = 21,45 \text{ кг;}$$

мис

$$19,6 + 2,2 = 21,8 \text{ кг.}$$

Хомашё шихталарини конвертир шлаки қўшиб эритишда штейн таркиби қуйидагича:

	кг	%		кг	%
Си.....	21,8	24,6	Fe.....	41,0	46,2

S.....1,45 24,2 O₂.....4,5 5,0

Ҳисоблашлар шуни кўрсатмоқдаки яллиғ қайтарувчи печларда бойитмаларни конвертир шлаки билан қушиб эритишда штейн таркибига фақатгина бойитма таркибидаги темир утмаслан , балки конвертир шлаклари билан ҳам темир магнетит ҳолида ўтади. Бунинг оқибатида темир печ ва конвертир орасида доимий равишда айланишига сабаб бўлади.

1.2 Таркиби маълум бўлган шлакни эритишда керакли флюс миқдорини ҳисоблаш

Олдинги ҳисоблашлардан олинган бойитмани эритиш учун зарур бўлган оҳак миқдорини топамиз. таркибида 8% СаО мавжуд бўлган чиқинди шлагини устида эритиш олиб борилади. Печга конвертир шлагини суюқ ҳолда қуюлади.

Ҳисобот учун штейндаги барча темир миқдори конвертир шлаки таркибига ўтади деб ҳисолаймиз., бунда чиқиш 100кг бойитмага 85.4кг ни ташкил этади. Шлак таркибини аниқлаш учун эритишнинг дастлабки балансини тузамиз. (3.2-жадвал.).

1.2 Жадвалдан кўришиб турибдики (Шлак таркибидаги барча темир FeO шаклида учрайди деб ҳисоблаймиз), Бунда кислороднинг этишмовчилиги 0,7 кг ни ташкил этади. Бу қийматдан кўришиб турибди эритиш жараёни тўлиқ утиши учун (0,4%) кислород етмайди. Бундан ташқари ахамиятга эга тамони шундаки шлак таркибидаги темирнинг бир қисми кислород билан эмас балки олтингугирт билан боғланган бўлади. Бу ҳисоботни соддалаштиришда анча қул келади.

Бу балансдан хулоса қилган ҳолда дастлабки шлак таркибини аниқлаймиз. $FeO = 29,2 : 55,85 \cdot 71,85 = 37,6$ кг.

Флюс иштирокисиз шлак таркиби:

кг	%	кг	%
FeO.....37,6	45,4	Cu..... 0,5	0,6
SiO ₂ 33,4	40,3	S..... 0,65	0,8
CaO.....0,7	0,8	Прочие..... 3,8	4,6
Al ₂ O ₃6,2	7,5		

Шлак зизлигини камайитириш ва ундаги мисс миқдорини камайитириш учун шихтага таркибида 8% СаОбшлган конвертир шлаки қўшилади. Етмаганига флюс сиатида оҳак қушилади. Амалиётда одатга кура шлак таркибидаги бирикмаларнинг ёғинди миқдори FeO + СаО + SiO₂ + Al₂O₃ 93— 96% ни ташкил этади. Бизнинг ҳисоботимиз учун бу қийматни 95%. деб оламиз., Унда бу йиғинди қиймат СаО иштирокисиз FeO + SiO₂ +Al₂O₃ = 87% ташкил этади.

Шихтага Қўшиладиган флюс сифатида қуйидаги таркибли 50% CaO, 40% CO₂ 9% , SiO₂, 1% бошқа моддалар X миқдорда охак олиниди.

Унда бу нисбатлик буйича қуйидаги тенгламани тузамиз. (FeO + SiO₂ + Al₂O₃) : CaO = 87 : 8

$$\frac{37,6 + (33,4 + X \cdot 0,09) + 6,2}{82,85 \cdot 0,008 + X \cdot 0,50} = 87/8$$

$$82,85 \cdot 0,008 + X \cdot 0,50$$

Бу тенгламадан керакли қийматни топамиз. X = 13,0 кг.

Унда CaO 6,50 кг, SiO₂ 1,2 кг, CO₂ 5,20 кг, Бошқа моддалар 0,1 кг.

Шлак ва флюсинг жами FeO + SiO₂ + CaO + Al₂O₃ йиғинди миқдори 85,50 кг ни ташкил этади, Шлакнинг чиқиши эса 90,45 кг.га тенг бўлади

Юқоридаги ҳисоботларга асосан чиқинди шлак таркибин аниқлаймиз:

кг	%	кг	%		
FeO	37,6	41,6	Cu	0,3	0,3
SiO ₂	34,6	38,2	S	0,65	0,7
CaO	7,2	8,0	Прочие	3,9	4,4
Al ₂ O ₃	6,2	6,8			

Олинган маълумотлар асосида, бойитмаларни конвертир шлаки ва флюс билан эритиш жараёнининг материал балансини тузамиз. Бизнинг кўриб чиқаётган мисолимиздигидек ухшаш таркибли бойитмани қайта ишлаш натижасида Шлак таркибидаги миснинг миқдори 0,4% дан ошмайди. Буни иобатга олган холда бу қийматни биз 0,3%, деб қабул қиламиз.

1.2-жадвал

Флюссизаммо конвертир шлаки билан эритиш жараёнининг Дастлабки баланси, кг

Материал баланс	Жами	Шу жумладан							бошқалар
		Cu	S	Fe	SiO ₂	CaO	Al ₂ O ₃	O ₂	
Юкланди:									
Бойитма	100	20,0	34,3	29,2	13,8	0,7	1,0	-	1,0
Конвертир	85,4	2,6	1,2	41,0	19,6	-	5,2	13,0	2,8
Шлак									
Жами:	185,4	22,6	35,5	70,2	33,4	0,7	6,2	13,0	3,8
Олинди:									
Штейн	88,75	21,8	21,45	41,0	-	-	-	4,5	-
Шлак	82,85	0,5	0,65	29,2	33,4	0,7	6,2	8,4	3,8
Газлар	14,5	0,3	13,4	-	-	-	-	0,8	-
Жами:	186,1	22,6	35,5	70,2	33,4	0,7	6,2	13,7	3,8

Етишмовчилиги 0,7 кг.

Хомашё бойитмаси, қуюиладиган конвертир шлаки ва флюс қушимчаси
билан эритиш жараёнинг материал баланси

(қурук масса буйича), кг

Материал баланс	Всего	В том числе								
		Cu	S	Fe	SiO ₂	CaO	Al ₂ O ₃	O ₂	CO ₂	бошқалар
Юкланди:										
Бойитма	100	20,0	34,3	29,2	13,8	0,7	1,0	-		1,0
Охак	13,0	-	-	-	1,2	6,50	-	-	5,20	0,1
конвертир шлаки	85,4	2,6	1,2	41,0	19,6	-	5,2	13,0		2,8
Жами:	198,4	22,6	35,5	70,2	34,6	7,20	6,2	13,0	5,20	3,9
Олинди:										
Штейн	88,95	22,0	21,45	41,0	-	-	-	4,5		-
Шлак	90,45	0,3	0,65	29,2	34,6	7,20	6,2	8,4		3,9
Газлар	19,00	0,3	13,4	-	-	-	-	0,1	5,20	-
Жами:	198,4	22,6	35,5	70,2	34,6	7,20	6,2	13,0	5,20	3,9

Қуйидаги тузилган балансда конвертир шлакидаги кислород бойитма таркибидаги олтингугиртни оксидлаш учун фойдаланилмайди.

1.3 Яллиғ қайтарувчи эритишда ёқилғи сарфи ва чиқувчи газлар таркибини ҳисоблаш

Яллиғ қайтарувчи эритишда ёқилғи сифатида кукунсимон кумир, мазут ёки табиий газ ишлатилади. Ёқилғларни ёқиш учун бойитилган кислород билан пуфлаш натижасида руй беради. Иссиқлик сарфини камайтириш мақсадида, Печдан чиқайтган газларнинг иссиқлигидан фойдаланиладиган рекуператорларда печга берилиши керак булган кислородга бой ҳавони 200 - 400° С гача қиздириб берилади.

Кислородга бойитилган ҳаво таркибида кислороднинг миқдори 24 - 30% ни ташкил этади. Ҳаволи пуфлаш билан кислородга бойитилган ҳаволи пуфлашни таққосласак унда 1,15 - 1,25% ёқилғи сарфини камайишини кўрамыз.

Шихтани эритиш даврида ёқилғи сарфи унинг эриш шароитларига ҳам боғлиқ бўлади.

Турлихил таркибли 1кг шихтани эритиш учун керакли иссиқлик миқдори, агар иссиқликдан фойдаланиш кўрсатгичини 100% деб олсак унда 250 дан 600 гача ккал иссиқлик сарфланади.

Табиий газ ёнишининг ҳисоби

Хомашё шихталарини эритишда табиий газ сарфи ва таркибини ҳамда чиқувчи газларнинг миқдорини ҳисоблашимиз керак. Табиий газнинг кимёвий таркиби қуйидагича: H₂S - 0,17% , CO₂ - 0,7%, CH₄ - 88,5%, C₂H₆ - 6,17% N₂ - 4,46%. Эритиш пайтида диссоциацияланиш ҳисобига 100 кг шихтадан 10.7 кг эркин олтингугирт ажралиб чиқади. Ҳисоботни 100кг шихта буйича олиб борамиз. Газнинг ёниш иссиқлигини топамиз. Уни

ҳисоблаш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:




$$Q_n^p = 30,21CO + 25,81H_2 + 85,89CH_4 + 142,86C_2H_4 + 170C_2H_6 + \\ + 55,34H_2S.$$

Бизнинг газ таркиби бўйича керакли сонларни топамиз.

$$Q_n^p = 55,34 \cdot 0,17 + 85,89 \cdot 88,5 + 170 \cdot 6,17 = 9,4 + 7601 + 1048,9 = 8659,6 \text{ ккал/м}^3.$$

Ҳаво миқдорини ва чиқувчи газларнинг ҳажми ҳамда таркибини аниқлаш учун ҳавонинг ортикчаллик коэффициентини $\alpha = 1,1$ деб қабул қиламиз.

Қуйидаги реакциялар бориш учун керак бўладиган ҳаво миқдорини назарий аниқлаймиз:



100 м³ табиий газ ёниши учун керак бўладиган кислород миқдори, м³:

$$CH_4 \text{ ёниши учун} \dots\dots\dots 100 \cdot 0,885 \cdot 2 = 177$$

$$C_2H_6 \text{ ёниши учун} \dots\dots\dots (100 \cdot 0,0617 \cdot 7) : 2 = 21,6$$

$$H_2S \text{ ёниши учун} \dots\dots\dots (100 \cdot 0,0017 \cdot 3) : 2 = 0,26$$

Жами керак бўладиган кислород миқдори 198,86 м³. Албатта ҳаво таркибига азот ҳам кириши ҳаммага маълум:

$$(198,86 : 21) \cdot 79 = 748,1, \text{ м}^3.$$

100 м³ газни ёқиш учун керак бўладиган ҳавонинг назарий сарфи:

$$198,86 + 748,1 = 946,96 \text{ м}^3.$$

Ёқилғини ёниши натижасида ҳосил буладиган газлар назарий сарфи, м³:

$$CO_2 \dots\dots 0,7 + 0,885 \cdot 100 + 0,0617 \cdot 100 \cdot 2 = 101,54$$

$$H_2O \dots\dots 0,885 \cdot 100 \cdot 0,2 + 0,0617 \cdot 100 \cdot 0,3 + 0,0017 \cdot 100 = 195,67$$

$$SO_2 \dots\dots 0,0017 \cdot 100 \cdot 0 = 0,20$$

$$N_2 \dots\dots 4,46 + 748,10 = 752,56,$$

Эркин олтингугиртни ёқиш учун қуйидаги миқдорда кислород талаб қилинади:

$$12,6 \text{ кг} = (12,6 \cdot 22,4) : 32 = 8,80 \text{ м}^3.$$

Ҳаво таркибида азот борлигини инобатга оладиган бўлсак унда кислород билан келадиган азот миқдори.

$$8,80 \cdot 79 : 21 = 33,2 \text{ м}^3.$$

Хавонинг ортиқча сарфланиш коэффициентини $\alpha = 1,1$ инобатга оладиган бўлсак. Жами керак бўладиган кислород миқдори:

$$1,1 \cdot (198,86 + 8,80) = 228,4 \text{ м}^3,$$

бўнга мос равишда кислород билан келадиган азот миқдори.:

$$228,4 \cdot 79 : 21 = 859,2 \text{ м}^3.$$

Жами хаво миқдори:

$$228,4 + 859,2 = 1087,6 \text{ м}^3.$$

Хавонинг ортиқчалик сарфи инобатга олган холда печдан чиқаётган газлар таркиби қуйидагича. Аммо бу газлар таркибида шихта газлари инобатга олинмаган.

	м ³ (хажми.)		м ³ (хажми.)	
CO ₂	101,54	8,62	N ₂	863,7 73,00
H ₂ O.....	195,67	16,60	O ₂	20,74 1,76
SO ₂	0,20	0,02		

Табиий газ сарфи ва шихтани яллиғ эритиш жараёнининг иссиқлик баланси

Эритиш жараёнинг иссиқлик балансини тузиз учун қуйидагиларни қабул қиламиз. Чиқаётган газлар харорати 1300, штейн харорати 1150, чиқинди шлаklarининг харорати 1280 га тенг деб оламиз. Хисоблашни 100кг бойитма буйича олиб борамиз. Тузилган материал балансга мос равишда (7 жадвал), 100кг бойитмага 13.0 кг охак берилади. Буни инобатга олсак шихтанинг умумий массаси 113 кг ни ташкил қилади. Бу шихтанинг массаси қуруқ улчанган. Шихта таркибида 5 % нам бўлса унда шихтанинг умумий массаси:

$$113,0 : 0,95 = 118,9 \text{ кг.}$$

Шунча миқдордаги шихтани эритиш учун сарфланадиган газ хажми $X \text{ м}^3$.

$\alpha = 1,1$ ни инобатга олган холда 1 м^3 газни ёқиш учун керак бўладиган хаво миқдорини топамиз:

$$X1087,6 : 100 = 10,88X \text{ м}^3.$$

Газ таркибига шихтадаги сув буғи, охакнинг парчаланишидан ажралган углерод 4 оксиди ҳамда олтингугиртнинг оксидланиши туфайли ажраладиган газ утади. Бу газларнинг миқдорлари қуйидагича:

	кг	м ³
SO ₂	13,4+13,4=26,8	26,8:64·22,4=9,36
CO ₂	5,2	5,2·22,4 : 44= 2,6
H ₂ O.....	5,9	5,9·22,4: 18= 7,4

Чиқаётган газлар таркиби, м³:

CO₂X·1,015+ 2,6 N₂X·8,637
 H₂O..... X·1,960+ 7,4 O₂X·0,207
 SO₂ X·0,002+ 9,36

Иссиқлик келиши

